

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ва ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

АЛИМОВ АМОНЖОН БАХТИЁРОВИЧ

**ВАЛЬСАЛЬВА СИНУСИ АНЕВРИЗМАЛАРИНИ ТАШХИСЛАШ ВА
ХИРУРГИК ДАВОЛАШНИНГ ИННОВАЦИОН ЙЎНАЛИШЛАРИ**

14.00.34 – Юрак ва қон-томир хирургияси

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD)

Алимов Амонжон Бахтиёрович

Вальсальва синуси аневризмаларини ташхислаш ва хирургик
даволашнинг инновацион йўналишлари..... 3

Алимов Амонжон Бахтиёрович

Инновационные аспекты диагностики и хирургического лечения
аневризм синуса Вальсальвы 21

Alimov Amonjon Baxtiyorovich

Innovative aspects of diagnosis and surgical treatment of aneurysm sinus of
Valsalva..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ва ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

АЛИМОВ АМОНЖОН БАХТИЁРОВИЧ

**ВАЛЬСАЛЬВА СИНУСИ АНЕВРИЗМАЛАРИНИ ТАШХИСЛАШ ВА
ХИРУРГИК ДАВОЛАШНИНГ ИННОВАЦИОН ЙЎНАЛИШЛАРИ**

14.00.34 – Юрак ва қон-томир хирургияси

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2019

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2017.1.PhD/Tib132 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферат иикки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасининг (www.rscs.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим портали www.ziyonet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Абралов Ҳакимжон Кабулджанович
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Асамов Равшан Эркинович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Хикматов Азимжон Асатиллаевич
тиббиёт фанлари доктори

Етачки ташкилот:

**Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирлиги
«Н.И.Пирогов номи миллий тиббиёт-хирургия
маркази» Федерал давлат бюджет муассасаси**

Диссертация ҳимояси академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ва Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.49.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru, Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази мажлислар зали).

Диссертация билан академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (73 - рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент шаҳри Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Диссертация автореферати 2019 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ф.Г. Назиров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор,
академик

А.Х. Бабаджанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

А.В. Девятов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинарраиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, «Вальсальва синуси аневризмаси (ВСА) барча туғма юрак нуқсонлари орасида 0,1-3,5% ни ташкил этади ва туғма аномалияси бўлган барча беморларнинг 0,09% ини ташкил этади»¹. Географик тарқалиши ҳисобга олинса, Осиё аҳолисида бу нуқсоннинг учраши 0,46-3,5% ни ташкил этиб, ғарб аҳолиси орасида эса 0,14-0,23% га тенг. ВСАнинг хавфли асоратларидан бири бу унинг ёрилиши бўлиб, ушбу асорат мураккаб анатомия, оғир клиник кечиши, тез декомпенсацияси ва беморларнинг эрта ногиронлиги, шунингдек, фаталасоратлар эҳтимоли хавфи билан тавсифланади. Кўпчилик ҳолатларда ВСА ёрилиши 20 дан 40 ёшгача бўлган меҳнатга лаёқатли ёшда учрайди. Адабиётлар маълумотига кўра, ВСА билан биргаликда энг кўп учрайдиган юрак нуқсони қоринчалараро тўсиқ нуқсони бўлиб (ҚАТН), у 30-60% ҳолатларда кузатилади. ВСА билан биргаликда кечувчи энг кенг тарқалган иккинчи нуқсон – аорта клапани етишмовчилиги 45% ҳолатларда кузатилади. Хирургик усулларнинг турли-туманлигига қарамасдан, «ҳозирда асосий усул – нуқсонни очиқ бартараф этиш ва аневризмани кесиб олиш ва нуқсонни тикиш ёки синтетик ямоқ билан тузатиш асосий бўлиб қолмоқда»².

Жаҳон амалиётида бугунги кунда ВСАда нуқсон кечишини сезиларли даражада мураккаблаштирадиган аорта клапани етишмовчилиги ривожланишининг этиологик омиллари ва патофизиологик механизмларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилади. Юракни қайта тиклашни ривожлантиришга таъсир қилувчи анатомик шароитларни ва гемодинамик омилларни ўрганиш, шунингдек, анатомик ва топографик хусусиятлари, уларнинг турига, жойлашувига, бошқа туғма юрак нуқсонлари билан боғлиқ функционал ўзгаришлар орасида яқин муносабатларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратилади. Нур ташхис усулларини янада такомиллаштириш мақсадида аорта етишмовчилигига олиб келадиган юрак касалликлари билан боғлиқ патофизиологик омиллар устида, шунингдек, ушбу патологияда аорта клапанини сақлаб қолишга қаратилган хирургик усуллари техникасини ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар давом этмоқда.

Маҳаллий соғлиқни сақлаш тизими ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида натижаларни яхшилаш ва аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизмат турларини кенгайтириш бўйича кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада, айниқса, реконструктив-тиклаш амалиётларини такомиллаштиришувчи амалиётлар кўлами кенгайтирилди, шунингдек у ёки бу амалиётлар учун қўшимча аномалиялар мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда беморларни танлаш билан боғлиқ бўлган меъёрларни яхшилашда ижобий натижаларга эришилган. Шу билан бирга, тиббий хизмат кўрсатиш

¹Carlos Godoy, Bo Xu, Jorge Betancor, Karim A. Rehman, Serge Harb and L. Leonardo Rodriguez Sinus of Valsalva aneurysms: 20-year Cleveland clinic experience. Journal of the American College of Cardiology Volume 71, Issue 11 Supplement, March 2018.

²Nascimbene A., Joggerst S., Reddy K. J., Cervera R. D., Ott D.A., Wilson, J.M., Stainback R.F., Aortic valve regurgitation that resolved after a ruptured coronary sinus aneurysm was patched. Texas Heart Institute Journal. 2013; 40(4): 489–492.

тизимини такомиллаштириш учун тадқиқотларни ушбу соҳада давом эттириш лозим. «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегиясида аҳолининг заиф гуруҳларининг тўлақон ҳаёт кечиришини таъминлаш мақсадида тиббий-ижтимоий ёрдам тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш вазифалари белгиланган»³. Ушбу вазифаларни амалга ошириш Вальсальва синус аневризмаларини хирургик тузатиш натижаларини такомиллаштириш, шу жумладан, жарроҳлик усулларини, тактик-техник жиҳатларини такомиллаштириш орқали даволаш натижаларини такомиллаштириш долзарб йўналишлардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 майдаги 266-сон «Жамият саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш илмий-тадқиқот институти фаолияти тўғрисида»ги қарори ҳамда ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Weinreich M.⁴нинг фикрига кўра, «ҳозирги кунда замонавий юрак хирургияси жамоасида Вальсальва синуси аневризмалари учун хирургик тактикани танлаш бўйича турли хил фикрлар мавжуд». Бу муаммога нисбатан турли муносабат мавжудлигини таъкидлайди, энг оптимал даволаш стратегиясини танлаш учун туғма юрак нуқсонлари ва асоратларини тушунтириб берадиган нуқсонли беморларни комплекс ташхислашни такомиллаштириш устувор илмий тадқиқотлардан бўлиб қолмоқда. Lin Y.⁵ нинг фикрига кўра, «BCA да аорта клапани етишмовчилиги замонавий кардиохирургиянинг долзарб муаммоси бўлиб қолмоқда, кўплаб тадқиқотчилар ўртасида турли хил хирургик амалиётлари вариантларининг афзалликлари ва камчиликлари муҳокама қилинмоқда. Авваллари аорта клапани етишмовчилигига аҳамият бермай фақат Вальсальва синуси аневризмасини бартараф этишга эътиборни қаратилган бўлса, ҳозирда аневризма ёрилишини бартараф этиш билан бирга, аорта клапанини асраш

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947- сонли Фармони, ЎзР Қонун Ҳужжатлари тўплами 2017 йил.

⁴Weinreich, M; Yu, PJ; Trost, B (2015). "Sinus of valsalva aneurysms: review of the literature and an update on management". Clinical Cardiology. 38 (3): 185–9.

⁵ Lin Y, Yin K, Wang Y, Guo C, Tian Z, Xie Q, et al. Sinus of Valsalva aneurysms with concomitant aortic insufficiency: how should the aortic valve be managed? Interact Cardiovasc Thorac Surg. 2018;26:210-5.

орқали аорта етишмовчиликни тузатиш асосий мақсад ҳисобланади, бу эса хирургик усулда даволанишнинг дастлабки ва узоқ муддатли натижаларига ижобий таъсир кўрсатади»⁶.

Замонавий кардиохирургиянинг тадқиқот учун яна бир муҳим йўналиши, беморларни декоменсациясини жадаллаштирувчи омили сифатида алоҳида аҳамият касб этадиган, аорта клапанини пластикасидан турли модификациядаги аорта ўзанини комплекс протезлашгача кенгайтиришга сабаб бўладиган аорта клапани етишмовчилиги ҳисобланади. Адабиётлар маълумотида кўра, ВСАда кўшма аорта клапани етишмовчилигини ташхиллаш бўйича мавжуд бўлган радиологик тадқиқотлар самарадорлигини баҳолаш замонавий кардиохирургиянинг устувор йўналишларидан биридир⁷. Шу нуктаи назардан, Вальсальва синуси аневризмасини ва уларнинг аорта клапани етишмовчилиги билан кўшилиб келганда ҳолатларни ташхиллашда нур ташхис усулларнинг аҳамиятини аниқлашга қаратилган кўшимча тадқиқотлар зарур.

Сўнгги йиллардаги адабиётлар таҳлили ВСАда аорта клапани етишмовчилигининг шаклланиши асосида бир неча патофизиологик механизмлар ва ҳар бирининг ўрни билан боғлиқ эканлигини кўрсатади. Бу ҳолда, натижаларни сезиларли яхшилашга қарамадан ушбу беморларда, ВСА нинг қоринча тўсиқ нуқсони ва аорта клапани етишмовчилигини ташхиллаш ва унинг жарроҳлик усулларини ишлаб чиқиш, даволаш-ташхиллаш тактикасини такомиллаштиришни талаб этади.

Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти академик В.Вохидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази илмий-тадқиқот ишлари режаларининг “Аорта кўтарулувчи қисми, аортал клапан ва чап қоринча чиқиш қисмида амалиётларни такомиллаштириш йўллари” мавзусидаги АДСС-3.6 амалий лойиҳаси доирасида бажарилган (2012-2014йй.).

Тадқиқотнинг мақсади: Вальсальва синуси аневризмаларини хирургик даволаш натижаларини инновацион ташхиллаш усулларини қўллаш, аорта клапани етишмовчилиги билан асоратланган нуқсонларни тузатишда клапан сақловчи усулларни ишлаб чиқиш орқали яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Вальсальва синуси аневризмаларини ташхиллашда стандарт ва замонавий нур ташхис усулларининг имкониятини ўрганиш, шунингдек уларнинг сезгирлиги ва ўзига хослигини аниқлаш;

Вальсальва синуси аневризмасини хирургик усулда даволашда асосий

⁶Cheng TO, Yang YL, Xie MX, Wang XF, Dong NG, Su W, Lü Q2, He L, Lu XF, Wang J, Li L, Yuan L. Echocardiographic diagnosis of sinus of Valsalva aneurysm: a 17-year (1995-2012) experience of 212 surgically treated patients from one single medical center in China. Int J Cardiol. 2014 Apr 15; 173(1):33–9.

⁷ Ying-Long Liu, Ai-Jun Liu, Feng Ling, Dong Wang, et al Risk factors for preoperative and postoperative progression of aortic regurgitation in congenital ruptured sinus of Valsalva aneurysm. Ann Thorac Surg 2011;91:542– 8.

хавф омилларини ва уларнинг амалиётдан кейинги натижаларга таъсирини аниқлаш;

Вальсальва синуси аневризмасининг аорта клапани етишмовчилиги кўшма келганда клапан сақловчи амалиёт усулини ишлаб чиқиш;

Вальсальва синуси аневризмасини ва унинг асоратларини хирургик усулда даволанишининг дастлабки ва узоқ муддатли натижаларини ўрганиш;

Вальсальва синуси аневризмасини учун реконструктив амалиётларга кўрсатмаларни ишлаб чиқиш ва уларни оптималлаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида академик В.Вохидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази туғма юрак нуқсонлари бўлимида 1988 йилдан 2018 йилгача бўлган даврда Вальсальва синуси аневризмаси билан даволанган 88 нафар бемор хизмат қилган. Тадқиқотнинг асосий мақсади Вальсальва синуси аневризмаси билан касалланган беморларни ташхислаш ва хирургик усулда даволаш сифатини баҳолашнинг кўп йўналишли таҳлилидир.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб ВСАли беморларни ташхислаш ва хирургик даволаш самарадорлигининг таҳлили, шунингдек эхокардиографик, ангиокардиографик, мультислайс компьютер томография натижаларини қиёсий баҳолаш, нуқсонни бартараф этишда ўз тўқималарини қўллаш орқали кардиохирургиянинг замонавий юқори технологик усулларини татбиқ натижалари хизмат қилган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотнинг мақсадига эришиш ва қўйилган вазифаларни ечими учун қуйидаги усуллари қўлланилган: умумий клиник, инструментал (ультратовуш, ангиографик ва рентгенологик), мультислайс компьютер томография ва статистик тадқиқот усуллари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Вальсальва синуси аневризмасининг қоринчалараро тўсиқ нуқсон кўшма келишида аорта клапани етишмовчилиги билан асоратланганда аорта клапани пластикаси усули ишлаб чиқилган;

Вальсальва синуси аневризмалари анатомиясининг вариантлари хусусиятлари ўрганилиб, аорта клапани етишмовчилигининг ривожланишига таъсир этувчи асосий омиллар аниқланган;

Вальсальва синуси аневризмасида ва унинг қоринчалараро тўсиқ нуқсони билан кечишида мультислайс компьютер томографиясининг қўлланилиши статик анатомик тузилмаларни батафсил тасвирлаши исботланган;

Вальсальва синуси аневризмасининг ёрилиши ва қоринчалараро тўсиқ нуқсони хажмининг морфометрик хусусиятлари очиқ берилган ва унинг аорта клапани етишмовчилиги ривожланишига таъсири ўрганилган;

Вальсальва синуси аневризмаси ёрилишни ва қоринчалараро тўсиқ нуқсонини оригинал хирургик усулини қўллаш орқали аорта иллизининг заиф ўринларини бартараф этиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ВСА ташхисида эхокардиография, ангиокардиография ва мультислайс

компьютер томографиясининг ташхислаш имкониятлари аниқланган ва уларнинг сезгирлиги ва ўзига хослиги текширилган;

ВСА ни хирургик усулда тиклашда қониқарсиз натижаларнинг сабаблари аневризма ёрилиш ва қоринчалараро тўсиқ нуқсонни индексларининг метрик кўрсаткичларига қараб аниқланган; бу эса нуқсонни хирургик усулда бартараф этиш тактикасини оптималлаштириш имконини берган;

юракнинг чап қоринча диастолик индексига қараб, аорта клапани етишмовчилигининг аҳамиятини баҳолаш учун эхокардиографик методология ишлаб чиқилган ва бу амалиётдан кейинги натижаларни прогнозлаш имконини берган;

Вальсальва синуси ва қоринчалараро тўсиқ дефектининг ёрилиш ҳажмига кўра аорта клапанини пластика ва протезлаш амалиётини амалга ошириш учун кўрсатмалар белгиланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги беморларнинг ҳолатини баҳолаш, диагностика ва даволашнинг замонавий усуллари, методологик ёндашувлар ва статистик таҳлил тўпламларини тўғри қўллашда объектив мезонлардан фойдаланган ҳолда асосланган. Тадқиқот етарли миқдордаги клиник материалларда олиб борилган. Тадқиқотда кўриб чиқилаётган муаммоларни ҳал қилиш усуллари ушбу патологияли беморларда Вальсальва синуси аневризмаси диагностикаси ва хирургик амалиётларга замонавий илмий-амалий ғоялар ва ёндашувларга асосланган. Барча натижалар ва хулосалар далилларга асосланган тиббиёт тамойилларига асосланади. Статистик ишлов бериш натижаларнинг ишончилигини тасдиқлаган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шунинг билан аниқланадики, олинган хулоса ва таклифлар Вальсальва синуси аневризмасининг қоринчалараро тўсиқ нуқсонни билан қўшма ва аорта клапани етишмовчилиги билан асоратланган кечишининг клиник ва функционал хусусиятларини ўрганишга катта ҳисса қўшади. Нурли ташхислаш усуллари ва амалиёт вақтидаги вазиятга кўра Вальсальва аневризмаларининг анатомиясининг хусусиятлари ўрганилиб, хирургик тузатишнинг самарадорлигига таъсир қилувчи асосий омиллар аниқланган. Тадқиқотнинг айрим натижалари Вальсальва синуси аневризмаси билан касалланган беморларни ташхислаш ва даволаш масалалари бўйича магистр, клиник ординаторлар ва курсантлар учун ўқув дастурининг таркиби ва тузилишини яхшилаш учун ишлатилиши мумкин.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шунинг билан аниқланадики, асосий хулосалар ва тавсияларнинг кардиохирургик тиббиёт муассасаларида Вальсальва синуси аневризмаси бўлган беморларни ташхислаш ва даволашда ишлатилиши мумкин. Ушбу нуқсон ташхиси учун мультислайс компьютер томографиясини қўллаш амалиёт олдидан ташхис қўйишнинг аниқлигини оширган ва диагностик хатолар эҳтимолини камайтирган. ВСА ни бартараф этишнинг хирургик усулини қўллаш, аорта ва унга алоқадор камера билан алоқани етарлича ва ишончли бартараф этиш имконини берган, шунинг учун

амалиётдан кейинги эрта ва узоқ даврда ўзига хос асоратлар ривожланишининг хавфини камайтиради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Вальсальва синуси аневризмаси билан касалланган беморларни хирургик усулда даволашни яхшилаш бўйича илмий тадқиқот натижалари асосида:

ишлаб чиқилган «Аортал клапан етишмовчилиги билан асоратланган қоринчалараро тўсиқ нуқсониди аорта клапанини пластика қилиш усули»га Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (№IAP 05007, 22.01.2015 й.). Таклиф этилган усул хирургик босқичларни оптималлаштириш йўли билан аорта клапани етишмовчилиги билан асоратланган қоринчалараро тўсиқ нуқсони билан қўшма келган Вальсальва синуси аневризмаси бўлган беморларнинг хирургик усулда даволанишининг яқин ва узоқ, муддатли натижаларини яхшилаш имконини берган;

ўпка гипертензиясини жарроҳлик усулида даволашнинг прогностик кўрсаткичларини автоматлаштирилган ҳисоблаш учун методология тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 12 январдаги 8н-д/2-сон маълумотномаси). Тавсия этилган методология ўпка гипертензияси бўлган нуқсонларнинг хирургик усулда даволашга кўрсатмалар ва амалиёт хавфини юқори аниқликда ҳисоблаш имконини берган;

Вальсальва синуси аневризмасини ташхислаш ва даволаш сифатини яхшилаш юзасидан бажарилган диссертация ишидан олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалий фаолиятига, хусусан, академик В.Вохидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказида, Андижон давлат тиббиёт институти клиникасида, Фарғона вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази амалий фаолиятига (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 12 январдаги 8н-д/2-сон маълумотномаси) татбиқ этилган. Қоринчалараро тўсиқ нуқсони билан Вальсальва синуси аневризмасининг ёрилиши қўшма келган ҳолатларни хирургик усулда даволаш босқичларини оптималлаштириш орқали тавсия этилган даволаш тактикаси сунъий қон айланиш давомийлигини 36,3% га ва кардиоплегияни 37,4% гача қисқартириш, беморларнинг кутилаётган 5 йиллик яшаб қолиш кўрсаткичини 75% дан 83% гача ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 10 та илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган, шу жумладан, 6 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 27 та илмий иш чоп этилган, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, шундан, 5 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган

Диссертациянинг «**Вальсальва синуси аневризмасининг тарихи ва ҳозирги кўриниши**», деб номланган биринчи бобида, Вальсальва синуси аневризмасининг этиопатогенези, клиник кўриниши ва ташхиси бўйича замонавий адабиётларни таҳлилига бағишланган. Ҳозирги кунда фойдаланилаётган инновацион ташхислаш усуллари ҳақидаги маълумотлар тақдим этилган. Мавжуд жарроҳлик усуллари, тактик ёндашувлар, шунингдек, Вальсальва аневризмаси жарроҳлигининг тарихий жиҳатлари тавсифланади. ВСАнинг ҳал қилинмаган ва замонавий кардиожарроҳликда аорта клапани билан боғлиқ долзарб муаммолари ва тактик дилеммалар тақдим этилган. Ушбу бўлим манбаларнинг қисқача баёни ва таҳлили билан яқунланади.

Диссертациянинг «**Клиник материал ва қўлланган текширув усуллари тавсифи**», деб номланган иккинчи бобида текширилган беморларнинг клиник хусусиятларига оид маълумотлар, шунингдек, тадқиқотни ўтказишда фойдаланиладиган ташхислаш усуллари ҳақидаги маълумотлар тақдим этилган. Клиник материалларни турли хил турдаги ва асоратлари бўлган ВСА билан касалланган 88 беморлардан иборат эди. Операция қилинган беморларнинг ёши 3 дан 50 йилгача (ўртача $22,2 \pm 9,9$ йил). Беморларнинг 51 (58,0%) таси эркак, 37 таси (42,0%) аёллар ташкил этган ва жинслар бўйича 1,37: 1 нисбатини ташкил этди.

ВСА бўлган беморларга ташхис қўйиш ва юракнинг қўшма аномалияларини аниқлаш мақсадида ўтказилган умумий клиник ва нурли тадқиқотлар: касаллик тарихини ўрганиш, текшириш, антропометрия, аускультация, рентгенография, электрокардиография, трансторакал эхокардиография.

ВСА сининг ташхислаш жиҳатдан мураккаб турларида, шунингдек юрак ичи гемодинамик бузилишларнинг оғирлигини баҳолаш учун юрак бўшлиғини катетеризация қилиш билан бир қаторда ангиокардиография, ва шунингдек мультислайс спирал компьютер томография ўтказилган.

Нуксон оғирлик даражаси NYHA таснифи бўйича баҳоланган. Беморларнинг 90% дан ошиғида NYHA бўйича II-III функционал синфда бўлган ва натижалар 1-жадвалда келтирилган.

Амалиёт ичи текширув натижалари билан тасдиқланган амалиётдан олдинги инструментал текширув натижаларига кўра, Ё/ВСА тури анатомиясининг 82 (93,2%) даўнг коронар синус, 5 (5,7%) да коронар бўлмаган ва 1 (1,1%) ҳолатда чап коронар синуснинг жараёнда иштироки аниқланган.

1- жадвал

НУНА бўйича беморларни тақсимлаш

НУНА бўйича функционал синфи	n	%
I функционал синфи	5	5,7
II функционал синфи	65	73,9
III функционал синфи	18	20,4
IV функционал синфи	0	0,0
Жами:	88	100

ВСАЁ билан боғланган юрак камералари инструментал текшириш усуллари билан аниқланган, кейинчалик амалиёт ичидаги текширув билан тасдиқланган ва 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Ё/ВСА билан боғланган юрак камералари

Боғланган юрак камералари	РАСВ	АСВ
Ўнг қоринча	67 (76,2%)	16 (18,2%)
Ўнг бўлмача	3 (3,4%)	0 (0%)
Ўпка ўзани	1 (1,1%)	0 (0%)
Чап бўлмача	1 (1,1%)	0 (0%)
Жами:	72 (81,8%)	16 (18,2%)

Қоринчалараро тўсиқ нуқсонининг (ҚАТН) жойлашиши инструментал усуллар билан ташхисланган, амалиёт ичи текширувида тасдиқланган ва 1980 йилги Anderson R.H., бўйича таснифланган бўлиб, 3-жадвал дакелтирилган.

3-жадвал

Қўшма ҚАТНнинг Anderson R.H., 1980 бўйича турлари

ҚАТН жойлашиши	n	%
Аорта остида	24	27,3
Ўпка ўзани остида	30	34,1
Артерия остида	9	10,2
Жами:	63	71,6

Қўшимча нуқсонларни жарроҳлик усулида тузатиш асосий патологияни бартараф этиш билан бир вақтда амалга оширилди. Улар орасида қуйидаги сабаблар аниқланди: 6 (6,8%) беморда ўпка артерияси торайиши, 5 (5,7%) беморда бўлмачалараро девор нуқсони, 2 (2,3%) митрал клапан етишмовчилиги ва битта ҳолатда (1,1%) очик артериал йўл аниқланган.

Диссертациянинг «Нурли ташхислаш усуллариининг қиёсий ташхиси», деб номланган учинчи бобида нур ташхис усуллариининг солиштирма таҳлили самарадорлигини далилларга асосланган тиббиёт нуқтаи назаридан қиёсий таҳлил қилиш бўйича маълумотлар тақдим этилган.

Статик ва функционал тузилмаларга нисбатан фойдаланиладиган тадқиқот усуллариининг сезгирлиги, ўзига хослиги ва умумий аниқлигини

таққослаш амалга оширилган. ВСАЁ бўлган беморларда эхокардиография сезувчанлиги - 41,7%, ўзига хослиги - 87,5% ва аниқлиги 50,0% эканлиги аниқланган.

Шу билан бирга, ҚАТН қўшилиб келганда унинг сезгирлиги 54,2% ни, ўзиг хослиги 80,0% ни ва умумий аниқлиги 61,4% ни ташкил этган. Ушбу ҳолат, ВСАЁ нинг ҚАТН билан келган ҳолатларда эхокардиографиянинг самарадорлигини бу касалликнинг ҳар бир таркибий қисми алоҳида клиник белгилар билан келганга нисбатан камайтиради.

Ё/ВСАнинг АКЕ билан қўшма келган беморларда эхокардиография ангиокардиографияга нисбатан сезгирлиги 78,6%, ўзига хослиги 66,7% ва умумий аниқлиги 70,5% ни ташкил этган.

Шу билан бирга, ангиокардиография эхокардиография билан солиштирганда АКЕ учун паст сезгирликни - 52,4% ни, нисбатан юқори ўзига хосликни - 87,0% ни, умумий аниқлик кўрсаткичини - 70,5% ни ташкил этади, бу Ё/ВСА фонида АКЕ учун иккала усулнинг кўрсаткичларини тенглаштиради, бу эса одатда Ё/ВСА фонида излаш заруратини пайдо этади. Келажакда бундай усуллардан бири ЧҚ КДИнинг Z-омили бўлиши мумкин (5-бобда келтирилган).

Ё/ВСАнинг ҚАТН ва/ёки ўнг қоринча чиқиш қисми торайиши билан қўшма келишини статистик компенентларини баҳолаш, стандарт текширув усуллари билан ташхислаш мураккаблашганда, илдизни кўриш учун мультислайс компьютер томография жуда сезгир, ўзига хослик ва умумий аниқликни намоиш қилувчи усули бўлиб, 100% ни ташкил этади, бу эса амалиёт ичи тафтиши натижалари билан тенглаштириш мумкин.

Диссертациянинг **«Вальсальва синуси аневризмасини хирургик даволаш»**, деб номланган тўртинчи бобида Вальсальва синуси аневризмасида беморларда асосий касалликнинг жиддийлигини ва қўшма нуқсонларни ҳисобга олган ҳолда жарроҳлик амалиёт тактикаси ва мавжуд бўлган асоратлар ҳақида маълумот берилган.

Хирургик тактикани оптимал усулларини танлашда биринчи навбатда асосий касаллик Ё/ВСАнинг, унинг ҚАТН ва аорта клапани етишмовчилиги билан қўшма келишини бартараф этишга қаратилган. Бўлимда Ё/ВСА ва унинг қўшма келишларини хирургик усулда даволашга кўрсатмалар ва қарши кўрсатмалар, шунингдек, юрак амалиётларини ўтказишда Ё/ВСА ва ҚАТНни текширишда, сунъий қон айланиши (СҚА) ва кардиоплегия (КП) параметрлари ҳисобга олинган ҳолда юракнинг ўнг қисмларини «курук» сақлаш шароитлари тарифланган.

Sakakibara S. и Konno S. 1962 й. томонидан ишлаб чиқилган ва Xin-jin Luo томонидан 2013й. да такомиллаштирилган тасниф бўйича Ё/ВСА нинг анатомик вариантларининг баҳолашнинг жарроҳлик текширувининг барча босқичлари кетма-кетлиги берилган, натижалар 4-жадвалда келтирилган.

Ё/ВСА бўлган беморларда Ё/ВСА анатомик турлари ва унинг ҚАТН билан қўшма келишида қуйидаги муносабатлар аниқланди: 1) Ё/ВСА ни ҚАТН ва АКЕсиз беморларда асосан I тип ва Ё/ВСА индекси $>0,3 \text{ см/м}^2$ (р

<0,05) бўлган; 2) ЁВСА I турида, ЁВСА индекси 0,3 до 1,0 см/м² ва қўшма ҚАТН бўлган беморларга АКЕ ривожланишига таъсир кўрсатади (p <0,05); 3) ЁВСА индекси >1,0 см/м² бўлганда, АК анча кам даражада зарарланади.

4-жадвал

**Ё/ВСА нинг турлари, унинг ҚАТН
ва аорта клапани етишмовчилиги билан қўшма келиши**

ВСА тури	ВСА (жами)		Ё/ВСА (жами)		Ё/ВСА ва ҚАТН қўшма келиши		Ё/ВСА ва АКЕ қўшма келиши	
	n	(%)	n	(%)	n	(%)	n	(%)
I тип	10	11,4	45	51,1	45	51,1	20	22,7
II тип	4	4,5	20	22,7	13	14,8	5	5,7
IIIa тип	-	-	3	3,4	1	1,1	1	1,1
IIIv тип	-	-	-	-	-	-	-	-
IIIa+v тип	-	-	-	-	-	-	-	-
IV тип	2	2,3	3	3,4	4	4,6	2	2,3
V тип	-	-	1	1,1	-	-	-	-
Жами:	16	18,2	72	81,8	63	71,6	28	31,8

ЁВСАнинг ҚАТН билан қўшма келишида 49 (55,7%) тасида икки хил жарроҳлик «double side technique» ва оригинал усуллари қўлланилган. Бирок, ЁВСАнинг ҚАТН билан қўшма келишининг классик усулда бартараф этилишининг бевосита натижаларини таҳлил қилиш жараёнида қуйидаги камчиликлар аниқланди:

1) техник қийинлик ва реконструкциянинг мураккаблиги; 2) қизиқиш соҳасида маҳаллий соғлом тўқималарнинг дастлабки етишмовчилиги ва Ё/ВСА нинг бартараф этилишидан кейин қўшимча оғирлашиши туфайли унинг шубҳали давомийлиги; 3) Ё/ВСАни кесиб олгандан кейин пайдо бўлган нуқсонларнинг қирғоқлари тикилган тақдирда, аорта клапани деформацияси кейинчалик АКЕ ривожланишини истисно этмайди; 4) Ё/ВСАни кесиб олгандан кейин ЁВСА ва ҚАТН нуқсонларни ягона ямоқ билан пластика қилганда иккала нуқсон чегарасида муаммоли майдонча сақланиб қоладди, бу эса маҳаллий тўқима заифлиги туфайли чокларнинг узилишига сабаб бўларди.


ЁВСА ва ҚАТН билан келганда анъанавий усулида камчиликлар аниқланганлиги сабабли оригинал усул таклиф этилган (Патент IAP 05007), бу эса ЁВСАнинг ҚАТН ва АКЕ билан қўшма келишидаги қўйилган вазифаларни бартараф этиш ҳал этиш имконини берган, жарроҳлик усули натижаларини яхшилаш ва ўртача СҚА вақтини 36,3% гача ва КП ни 37,4% гача камайтириш имконини берган.

Классик ва оригинал усулларнинг техник босқичларининг қиёсий жиҳатлари 1-3А ва 1-3Б расмларда келтирилган.

Оригинал услуб учун кўрсатма ва талаблар амалда муваффақиятли амалга ошириш учун зарур бўлган қуйидаги тавсияларни ўз ичига олади:

1) АК ҳалқаси аннулоэктазия ва Ё/ВСА IIIa типини ЭхоКГ ва АКГ ёки МСКТ билан бартараф этиш керак;

Анъанавий усул



1. А расм. ЎҚЧЙ орқали кесма ўтказиб Ё/ВСАни ортиқча тўқимасини ошиқ қисмини асосидан кесиш.




2. А расм. Ё/ВСА кесилгандан сўнг ҚАТН билан фиброз йўлакча орқали чегараланган нуқсон.



3. А расм. ҚАТН ва Ё/ВСА нуқсонини ягона ямоқ билан пластика қилинади. Бу босқичнинг заиф ўрни фиброз йўлакча бўлиб, унга чоклар қўйилади.


Оригинал усул



1. Б расм. Ё/ВСА кесилмайди, аневризма тўқимаси битта ўрамга айлантрилиб тикилади.



2. Б расм. Ё/ВСА фиброз йўлакча битта ўрамга айлантрилиб тикилгандан кейин ҚАТН чети шакллантирилади



3. Б расм. Ё/ВСАнинг ўрамни айлантриш ва тикишдан сўнг ҚАТН пластика қилинади. Фиброз йўлакча соҳаси Ё/ВСА тўқима ўрами билан мустаҳкамланади.

2) Ё/ВСАда АКЕ >2 даражасида аннулоэктазия фониди ёки Ё/ВСА III типиди АКЕ ≥ 2 даражасида АКПсини амалга ошириш афзал бўлади;

3) Пролапсни баҳолаш ва табақаларни тизимли зарарланишини олдини олиш учун АК ревизияси билан аортотомия қилиш керак. Клапан табақасини осилиб қолиши эркин қирғоғининг узунлиги табақанинг узунлигига нисбати билан аниқланади. Агар пролапснинг нисбати $<1,0$ ва АКЕнинг 2-даражасигача бўлса, унда АКда амалиётга эҳтиёж йўқ.

Агар пролапснинг нисбати $>1,0$ ва АКЕнинг >2 -даражасида бўлса, маълум тавсияларга асосан АКнинг келишув даражасига кўра, услубга АКПл ёки АКП ни қўшимча бажариш керак;

4) Ё/ВСА ни ёпиш пайтида чоклардга табақаларни илинишини олдини олиш учун АК барча 3 табақаларини алоҳида тугунлар билан пролен 6/0 билан АК табақаларини экспозиция қилиш зарур;

5) ЁВСА индекслари $<1,0$ см/м² бўлса, Ё/ВСАни оригинал усул бўйича тикилишига йўл қўйилади. ЁВСА индекслари $\geq 1,0$ см/м² бўлса, ЁВСАни классик услубга мувофиқ пластика билан баргараф этиш тавсия этилади;

6) АК баҳолаш ва юрак ичи шунтларини истисно қилиш, СҚАга кириш ва удан чиқиш вақтида операциядан кейинги қолдирилган решунтирование ва АК этишмовчилиги олдини олиш учун амалиёт ичи трансэзофагеал эхокардиография мавжуд бўлиши афзалдир.

Оригинал усул, агарда тавсияларга амал қилинганда Ё/ВСАни ҚАТН ва 2 даража АКЕни қўшма келганда қўйилган вазифаларни ҳал этади, бу эса амалиётнинг яхши натижаларига эришишга, СҚА ва КП вақтини амалиёт босқичларини оптималлаш эвазига қисқартиришга имкон беради.

Диссертациянинг «**Хирургик даволаш натижалари**», деб номланган бешинчи бобида, хирургикусулида даволашнинг яқин ва узоқ даврдагинатижалари ҳақидаги маълумотлар тақдим этилган. Амалиётдан кейин бевосита даврда барча 88 беморда функционал ҳолат ўрганилган. Натижалар уларнинг яхши, қониқарли ва қониқарсизга бўлган ҳолда баҳоланган. Олинган ўлим ҳолатлари алоҳида таҳлил қилинган.

Яхши натижалар қайд этилган гуруҳдаги беморларнинг ўртача ёши (22,5±9,1 йил) эди. Амалиёт вақтида: 4 (4,6%) бемор NYHA бўйича I ФК га тегишли; 41 (46,6%) бемор II ФК га; ва 6 (6,8%) бемор III ФК га тегишли бўлган.

Қониқарли натижалар 28 (31,8%) ҳолатда, ўртача ёши (22,7±10,4 йил) бўлган. Жарроҳлик вақтида 20 (22,7%) бемор NYHA II ФК га ва 8 (9,1%) ҳолатда III ФК классларга тегишли бўлган.

ЁВСА билан касалланган 88 беморнинг 2 тасида (2,3%) қониқарсиз натижаларга кузатилган, ўртача ёши (18,5±9,2 йил) бўлган. Амалиёт вақтида иккала бемор NYHA бўйича II ФК га тегишли эди.

Амалиётдан кейинги ўлим кўрсаткичи 7,9% (7 киши) бўлиб, улар 5 (5,7%) ҳолатда ўткир юрак-қон томирлари этишмовчилиги ва 2 (2,3%) ҳолатда инфекцион жараённи умумлашиши септик асоратлар туфайли келиб чиққан.

ЁВСАнинг АКЕ билан қўшма келиши клиник жихатдан энг салбий ва тактик жихатдан башорат қилиш қийин ҳисобланади. Шу муносабат билан, ЧҚ КДИсини улар орасида корреляцион боғлиқликни аниқлаш ва ЁВСА фониди АКЕни коррекциялаш зарурати эҳтимолини аниқлаш мақсадида Z-фактор (норманинг ўртача кўрсаткичига нисбатан маълум бир кузатиш конвертация коэффиценти нисбати) билан чизиқли регрессион таҳлили амалга оширилди.

Олинган маълумотлар прогностик мезонларни яратишга имкон берди, бу эса бундай комбинацияни хирургик усулида даволашда АКга амалиётлар эҳтимоллигини баҳолаш имконини берди.


Ҳисоб-китоблар натижасида 88 беморнинг барчасида Z-факторнинг 0,5 дан 4,1 гача бўлган кўрсаткичлари баҳоланган.

Z-фактор $>1,5$ дан юқори бўлган кузатувдаги 26 (29,5%) беморлар гуруҳида, ЧҚ КДИси ва АКдаги амалиётлар, яъни АКПл ва АКП ўртасидаги Спирмен бўйича корреляцион муносабати ишончли тарзда $R 0,75$ бўлган ($p < 0.05$). Ушбу 26 та ўлим ҳолати бўйича кузатувларни кейинги таҳлили шуни кўрсатдики, Z-фактор $>2,0$ бўлган беморларда корреляцион боғлиқликлик $R 0,62$ бўлган, бу эса $p < 0.05$ ишончли равишда боғлиқ.

Амалга оширилган таҳлилларни ҳисобга оладиган бўлсак, жарроҳлик усулида даволанишнинг салбий натижаларининг прогностик омиллари қуйидагилардир: 1) ЧҚ КДИси Z-фактори >2.0 ва ЧҚ КДИси 160 мл/м^2 дан ортиқ; 2) Қолдирилган АКЕ 2-даражали ва ундан юқори; 3) миокард массаси индекси гендер нормасидан икки бараваридан ортиқ; 4) инфекцияон эндокардит.

Z- омилни амалий қўллаш учун, маълум бир беморнинг ЧҚ КДИси асосида ҳисобларни соддалаштириш мақсадида, ЧҚ КДИ Z-омили = $\frac{\text{ЧҚ КДИ}_{(\text{мл})}}{55} / \text{ППТ}^2_{(\text{м}^2)}$, формуласини таклиф қилдик, бу амалда Z-омилни тезкор ва аниқ тарзда аниқлаш имконини беради.


4-расмда келтирилган узоқ муддатли ҳаёт кўрсаткичи таҳлили жарроҳликнинг оригинал ва классик усуллари уйғунлиги ҳисобга олган ҳолда амалга оширилган.



4 расм. Каплан-Майер бўйича 30 йиллик ҳаёт кўрсаткичи эҳтимолининг график кўриниши: Анаъанавий усулдаги эҳтимол эгрилиги – узук чизиқларда; Оригинал усулдаги эҳтимол эгрилиги – узуксиз чизиқларда;

Узоқ муддатли натижалар 81 нафар беморда яшаб қолган беморларнинг 49 (%%) ўрганилган, шундан 14 (17,3%) бемор оригинал усулдан фойдаланилган. Беморларнинг ўртача 5 йиллик умр кўриш кўрсаткичи классик усулда 75% дан оригинал усулдан фойдаланилган ҳолатларда 83% гача ва ЧҚ КДИси Z-омили ҳисоб-китоблари асосида прогностик ёндашувлардан фойдаланган ҳолда ишончлилик равишда $p < 0,05$ бўлиши, Ё/ВСАнинг ташхислаш ва даволашда инновацион ечимларни жорий этишнинг ижобий томонларини кўрсатмоқда.

Анъанавий ва тавсия этилган оригинал усулларнинг комбинацияси амалда давом этар экан, 5-расмда Қайта амалиётлардан озод даври кўрсаткичлари ушбу жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилган.



5 расм. Каплан-Майер бўйича 3 ва 5 йиллик қайта амалиётлардан холи даври: АКЕ \geq 2 даражада қайта амалиётлардан холи даври эгрилиги – узиқ чизикларда; 3 йиллик қайта амалиётлардан холи даври – узоқ чизикларда; 5 йиллик қайта амалиётлардан холи даври – нуқтали чизикларда

Анъанавий усулга ишлатилганда қолдирилган АКЕ >2 даража бўлган беморларда амалиётдан озод даври 3 йилликда 75% гача ва 5 йилгача бўлган даврда унинг $p < 0,05$ ишончли равишда 51% гача камайиши кузатилган.

1-даражали АКЕли беморлар гуруҳида 3 ва 5 йиллик қайта даражаси мос равишда $p < 0,05$ ни ташкил этган.

ХУЛОСА

1. ВСАЁда эхокардиография 41,7% сезувчанликка, 87,5% ўзига хосликка ва 50,0% умумий аниқликка эга. Худди шундай, ҚАТНда текширув усулининг сезгирлиги 54,2%, ўзига хослиги 80,4% ва умумий аниқлик даражаси 61,4% ни ташкил этади. Бу ҳужжат ҚАТНнинг ВСАЁ билан қўшилиб келганда, уларнинг изоляцияланган клиник белгилари юзага келганда, нуқсоннинг ҳар бир компоненти алоҳида учраган ҳолатлар билан солиштирилганда эхокардиографиянинг умумий самарадорлиги камайишини кўрсатади.

2. Ё/ВСАнинг АКЕ билан бирга келган беморларда ангиокардиография билан солиштирганда эокардиография 78,6% сезувчанликка, 66,7% ўзига хосликка ва 70,5% умумий аниқликка эга. Шу билан бирга, ангиокардиография эокардиография билан солиштирганда АКЕ учун энг паст сезувчанликни - 52,4%, нисбатан юқори ўзига хослик даражасини- 87,0% ни ва мутаносиб умумий аниқликни - 70,5% ни ташкил этади, бу одатда Ё/ВСА фонида АКЕ учун иккала усулнинг самарадорлик кўрсаткичларини тенглаштиради. Бу эса ташхислаш усулларининг самарадорлигини ошириш ва Ё/ВСА фонида АКЕ оқибатларини прогнозлаш учун диагностика маълумотларини изохлашнинг бошқа усулларини излашга мажбурлайди, шулардиан бири сифатида ЧҚ КДИсининг Z- омили хизмат қилиши мумкин.

3. Ё/ВСА ва унинг бошқа юрак нуқсонлари билан қўшма келганда статик анатомик тузилмаларини, жарроҳлик амалиётларини баҳолаш ва амалиёт хажмини режалаштириш мақсадида ~100% сезувчанлик, ўзига хослик ва умумий аниқликка эга бўлган усул МСКТ ҳисобланади, бу эса амалиёт ичи тафтиш натижалари билан мутаносиб, лекин тасвирнинг статиклиги сабабли, Ё/ВСА ва унинг бошқа нуқсонлари билан қўшма келишини асоратли кечишига сабаб бўлувчи, АКЕ ва ЎГ ни баҳолаш учун яроқсиз ҳисобланади.

4. Ё/ВСА ва унинг АКЕ билан қўшма келганда жарроҳлик усулида даволашнинг бевосита натижаларини ёмонлаштирувчи омиллар: 1) ЧҚ КДИси Z-омили $>2,0$ ва ЧҚ КДИ си 160 мл/м^2 дан ортиқ; 2) 2- ёки юқори даражали резидуал АКЕ; 3) миокард вазни индекси гендер нормасидан 2 барабар ортиқ; 4) инфекцион эндокардит.

5. Ё/ВСАнинг анатомик турлари ва ҚАТН билан қўшма келганда АКЕнинг ривожланишига қуйидаги боғлиқликлар аниқланган: 1) Ё/ВСАнинг ҚАТНсиз ҳолатларида АКЕ асосан I турида ва ЁВСА индекси $>0,3 \text{ см/м}^2$ ($p < 0,05$) бўлганда кузатилган; 2) ЁВСАнинг I тури бўлган беморларда индекс $0,3$ дан $1,0 \text{ см/м}^2$ гача бўлганда, қўшма ҚАТН келганда нуқсон индекси $0,3$ дан $1,0 \text{ см/м}^2$ қийматига тенг бўлган АКЕнинг ривожланишида ишончли равишда таъсир кўрсатади ($p < 0,05$); 3) ЁВСА индекси $>1,0 \text{ см/м}^2$ бўлса, АК сезирларли даражада кам зарарланади.

6. Ё/ВСАнинг ҚАТН ва АКЕ ≤ 2 даражаси билан қўшма келган 15 (17,0%) беморларда қўлланилган оригинал усул, барча беморларда яхши натижаларга эришишга ва жарроҳлик босқичларини оптималлаштириш йўли билан СҚА ўртача давомийлигини 36,3% га ва КПни - 37,4% га қисқартириш имконини берган.

7. ЧҚ КДИсининг Z-омилини ҳисоблаш асосида Ё/ВСАни даволашда прогностик ёндашув ва оригинал усулни жорий қилиш сўнгги 10 йил давомида шифохонада ўлим кўрсаткичини 7 баробар қисқартирган. Ўтган 20 йиллик кузатувлар билан таққослаганда ўлим даражаси мос равишда 16,6% ва 15,4% дан 2,0% га камайган.

8. ЧҚ КДИсининг Z-омилини ҳисоблаш асосида Ё/ВСАни даволашда прогностик ёндашув ва оригинал усулни жорий қилиш орқали, 5 йиллик ҳаёт кўрсаткичини таҳлил қилиш анъанавий услубдан фойдаланган ҳолда 75% дан усулларнинг комбинациясида 83% гача ўсиши билан тавсифланади $p < 0,05$. 2 даражали резидуал АКЕ бўлган беморларда амалиётдан озод даври, 3 йилдан 5 йилгача бўлган даврда, мос равишда 75% ва 51% ни ташкил этган. 1 даражасигача АКЕ бўлган беморларда худди шу даврларда $p < 0,05$ ишончлилиқ билан 97,2% ва 98,1% бўлган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Tib.49.01 ПРИ
РЕСПУБЛИКАНСКОМ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКОМ МЕДИЦИНСКОМ ЦЕНТРЕ ХИРУРГИИ ИМЕНИ
АКАДЕМИКА В.ВАХИДОВА И ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ
АКАДЕМИИ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ**

**РЕСПУБЛИКАНСКИЙ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫЙ НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ЦЕНТР ХИРУРГИИ ИМЕНИ
АКАДЕМИКА В.ВАХИДОВА**

АЛИМОВ АМОНЖОН БАХТИЁРОВИЧ

**ИННОВАЦИОННЫЕ АСПЕКТЫ ДИАГНОСТИКИ И
ХИРУРГИЧЕСКОГО ЛЕЧЕНИЯ АНЕВРИЗМ СИНУСА
ВАЛЬСАЛЬВЫ**

14.00.34 – Сердечно-сосудистая хирургия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ - 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2017.1.PhD/Tib132.

Диссертация выполнена в Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре хирургии имени академика В.Вахидова.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.rscs.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Абралов Хакимжон Кабулджанович**
доктор медицинских наук

Официальные оппоненты: **Асамов Равшан Эркинович**
доктор медицинских наук, профессор
Хикматов Азимжон Асатиллаевич
доктор медицинских наук

Ведущая организация: **Федеральное Государственное Бюджетное Учреждение «Национальный медико-хирургический Центр имени Н.И. Пирогова» Министерства Здравоохранения Российской Федерации.**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2019 г. в ____ часов на заседании Научного Совета DSc.27.06.2017.Tib.49.01 при Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре хирургии имени академика В.Вахидова и Ташкентской медицинской академии (Адрес: 100115, г.Ташкент, ул. Кичик халка йули, 10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru, Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр хирургии имени академика В.Вахидова).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра хирургии имени академика В.Вахидова (зарегистрирована за №73). Адрес: 100115, г.Ташкент, ул. Кичик халка йули, 10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2019 года.
(реестр протокола рассылки №__ от _____ 2019 года).

Ф.Г. Назиров
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней,
доктор медицинских наук, профессор,
академик

А.Х. Бабаджанов
Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученых степеней, доктор медицинских наук

А.В. Девятов
Председатель научного семинара при научном совете по
присуждению ученых степеней,
доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. По данным Всемирной организации здравоохранения «аневризма синуса Вальсальвы (АСВ) составляет 0,1-3,5% среди всех врожденных пороков сердца, а удельная ее доля в структуре всех больных с врожденными аномалиями составляет 0,09%»¹. С учетом географической распространенности частота встречаемости этого порока у азиатских народов выше - 0,46-3,5% против 0,14-0,23% у западной популяции. Одним из грозных осложнений является разрыв АСВ, который характеризуется сложной анатомией, тяжелым клиническим течением, быстрой декомпенсацией и ранней инвалидизацией больных, а также риском возможного развития фатальных осложнений. В большинстве случаев разрыв АСВ происходит в наиболее трудоспособном возрасте - от 20 до 40 лет. По данным литературы наиболее частым сопутствующим пороком сердца при АСВ является дефект межжелудочковой перегородки (ДМЖП) от 30 до 60% случаев. Вторым по распространенности выделяют недостаточность аортального клапана, сочетающейся с АСВ в 45% случаев. Среди всего многообразия методов хирургической коррекции разрыва АСВ «основным на сегодняшний день остается открытая хирургическая коррекция порока, которая заключается в иссечении аневризмы и ушивании либо пластики дефекта синтетической заплатой»².

В настоящее время в мировой практике особое внимание уделяется изучению этиологических факторов и патофизиологических механизмов развития недостаточности аортального клапана при АСВ в существенной мере осложняющей течение порока. Особое внимание уделяется изучению анатомических предпосылок и гемодинамических факторов, влияющих на развитие ремоделирования сердца, а также раскрытию вариантных анатомо-топографических особенностей и их тесной взаимосвязи с функциональными изменениями в зависимости от типа аневризмы синуса Вальсальвы, ее расположением и сочетаний с другими врожденным пороками сердца. Продолжаются исследования патофизиологических факторов при этом пороке сердца, приводящих к аортальной недостаточности с целью последующего совершенствования лучевых методов диагностики, а также разработки технических приемов хирургической коррекции направленных на сохранение аортального клапана при данной патологии.

На современном этапе развития отечественного здравоохранения проводится множество мер по коренному улучшению качества оказываемой населению медицинской помощи. В этом направлении уже достигнуты определенные положительные результаты, в частности, расширен спектр реконструктивно-восстановительных вмешательств, при устранении компонентов АСВ, а также улучшены критерии подбора пациентов к тому и

¹Carlos Godoy, Bo Xu, Jorge Betancor, Karim A. Rehman, Serge Harb and L. Leonardo Rodriguez Sinus of Valsalva aneurysms: 20-year Cleveland clinic experience. Journal of the American College of Cardiology Volume 71, Issue 11 Supplement, March 2018.

²Nascimbene A., Joggerst S., Reddy K. J., Cervera R. D., Ott D.A., Wilson, J.M., Stainback R.F., Aortic valve regurgitation that resolved after a ruptured coronary sinus aneurysm was patched. Texas Heart Institute Journal. 2013; 40(4): 489–492.

или иному типу кардиохирургических вмешательств с учетом наличия сопутствующих аномалий. «В стратегию действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017 - 2021 годы поставлены задачи по развитию и усовершенствованию системы медико-социальной помощи уязвимым категориям населения для обеспечения их полноценной жизнедеятельности»³. Реализация данных задач, в том числе улучшение результатов хирургической коррекции аневризм синуса Вальсальвы, путем оптимизации показаний и совершенствования тактико-технических аспектов хирургического лечения является одним из актуальных направлений.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, утвержденных Постановлением Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017-2021 годы» за №ПП-3071 от 20 июня 2017 года, Постановлением Кабинета Министров за №266 от 10 мая 2017 года «Об организации деятельности научно-исследовательского института общественного здоровья и организации здравоохранения», а также других нормативно-правовых документов, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VI «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. По мнению Weinreich M.⁴ «в настоящий период современное кардиохирургическое сообщество придерживается разных мнений по выбору хирургической тактики в отношении аневризм синуса Вальсальвы». Это подчеркивает неоднозначное отношение к этой проблеме, в структуре которой приоритетным направлением научного поиска остается совершенствование комплексной диагностики больных с данным пороком, обеспечивающей детальную характеристику порока и его сочетаний с другими врожденными дефектами сердца и осложнений для дальнейшего выбора наиболее оптимальной тактики лечения. По мнению Lin Y.⁵ «недостаточность аортального клапана при аневризме синуса Вальсальвы остается актуальной проблемой современной кардиохирургии, а преимущества и недостатки различных вариантов хирургической коррекции остаются дискуссионными среди многих исследователей». Если раньше проблеме недостаточности аортального клапана не придавали должного значения путем смещения акцента лишь на устранение аневризмы синуса Вальсальвы, то в настоящее время целью операции наряду с устранением разрыва, является «коррекция

³Указ Президента РУз от 07.02.2017 г. N УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан». Сборник законодательных актов

⁴Weinreich, M; Yu, PJ; Trost, B (2015). "Sinus of Valsalva aneurysms: review of the literature and an update on management". Clinical Cardiology. 38 (3): 185–9.

⁵ Lin Y, Yin K, Wang Y, Guo C, Tian Z, Xie Q, et al. Sinus of Valsalva aneurysms with concomitant aortic insufficiency: how should the aortic valve be managed? Interact Cardiovasc Thorac Surg. 2018;26:210-5.

недостаточности аортального клапана, путем сохранения нативного аортального клапана при наличии анатомических предпосылок, что благоприятно отражается на непосредственных и отдалённых результатах хирургического лечения»⁶.

